

АБДУЛЛА ЖАЛИЛ

УЙҒОҚ РУҲЛАР

Шеърлар

Достон

Тошкент
Ғафур Гулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси
1992

Ушбу китоб «Наманган» биржаси — ҳозирги «Наманган» акционерлик жамияти хомийлигида нашр этилмоқда. Муаллиф акционерлик жамияти президенти Муҳаммадшо Бойдеда ўғли жанобларига ҳамда жамоага эзгулик йўлидаги ҳолис ёрдам учун сатимий миннатдорчилик билдиради.

Китобнинг гоъвий-бадий савиясига муаллиф масъул.

Ж $\frac{4702620202 - 86}{М 352(04) - 92}$

(©) Абдулла Жалил, 1992.
муаллиф ҳисобидан 92.

ISBN 5-635-01245-0

ВАТАН

**Мен йўқ эдим бу олам аро,
Руҳим ҳам йўқ, йўқ эди таним.
Кўз очганман сенда, Ватаним,
Дилга меҳринг бўлиб жо-бажо.**

**Бу дунёда агар, Ватаним,
Сен бўлмасанг бўлиб нетарман.
Агар зарур бўлса сен учун
Яна йўқлик сари кетарман...**

ҲАМИЯТ

Соялар нурларнинг тўсса йўлини,
Зулмат шуълаларни бўғса бўйнидан,
Риё ҳақиқатнинг боғлаб қўлини,
Макр-у ҳийлаларни сочса қўйнидан,

Иффат, ҳаё боғин фитналар булғаб,
Топтаса покликнинг бағрин разолат;
Ҳурлар хаёлини фаҳш олса чулғаб,
Улуғликка фармон берса жаҳолат.

Қандай жим турасан: бепарво, лоқайд,
Қандай кўрмаганга олиб кетасан?
Ҳамиятнинг борми, қани менга айт,
Токай сен буларга бефарқ ўтасан?!

Беозорман, деса қора илонлар,
Оҳ урса шайтонлар, фариштаман, деб,
Дунёга ҳирс қўйган нодон инсонлар,
Қузғундек яшаса ўлимтикни еб...

Ҳақиқат кўксига минволиб гоҳо,
Пичоғин бўғзига қўйса бўҳтонлар.
Ростликни ўлдириб, қолганда танқо,
Қабри узра базм қурса ёлғонлар

Қандай жим турасан, бепарво, лоқайд,
Қандай сезмаганга олиб кетасан?
Ҳамиятнинг борми, қани менга айт,
Токай сен буларга бефарқ ўтасан?!

Ҳалол, пок одамлар юрсаю ночор,
Таъмагирлар тўкис яшаса магар;
Эзгулик пойгакда турсаю хор-зор,
Разилликлар тўрда бўлса мўътабар...

Билмадим, не сабаб, жонидан тўйиб,
Успирии ўзини осса ногаҳон,
Алам ёнилғисин бошидан қуйиб,
Аёл ўзин ёқиб, кўтарса исён,

Қандай жим турасан, бепарво, лоқайд,
Қандай кўрмаганга олиб кетасан?
Ҳамиятинг борми, қани менга айт,
Токай сен буларга бефарқ ўтасан?!

ЎЗИН ОЗОД ЭТМАСА...

Босқинчи зоти борки доимо турланади,
У босқинчилигидан ҳатто гурурланади.

Босқинчига хизматда манқуртлар топишар «шон»,
Зулми остида эса оқиллар хўрланади.

Эрки бўлмаган халқнинг истиқболи ҳам йўқдир,
Ўзин озод этмаса, манглайи шўрланади.

Гар кишанга ўрганиб, тиз чўкиб яшар экан,
Бундай халқнинг ватани аста ўғирланади.

Жалилий, билки улуғ ва имони бутун халқ
Ўзга халқларни тутқун қилгани орланади.

ТУРКИСТОН

Қўшиқ

Замона ойнасига ўзинг солиб, Туркистон,
Ўзлигингни яна бир олгин таниб, Туркистон.

Эгилдинг, етар энди, қаддингни кўтар энди,
Озодлик ҳавосидан ичгин қониб, Туркистон.

Бугун эллар уйғонди, энди омон-омондир,
Истиқболинг йўлларин олгин топиб, Туркистон.

Ким сени этмас тавоб, икки дунёси хароб,
Шоҳ эса гадо бўлур, сендан тониб, Туркистон.

Жисмимиздаги жонсан, жонимизда маконсан,
Мадҳинг куйлар Жалилий дилдан ёниб, Туркистон.

ЯРАДОР ДУНЕ

Зангори майсалар узра қонли из,
Холсиз кетиб борар ярадор оҳу.
Шаҳло кўзларидан қон оқар, эсиз,
Овчининг ўқидан яраланмиш у,

Тошлар орасидан томган мўмиё,
Энди ярасига бўлолмас малҳам.
Етиб у чимчиган шифобахш гиёҳ,
Энди тортиб олмас оғриқларин ҳем.

Жон-жонига азоб берса-да яра,
Овчидан қутилмоқ учун уринар.
Унинг кўзларига йўлбарсдан кўра
Инсон минг бор ваҳший бўлиб кўринар.

Йўлбарс ҳам, овчи ҳам унга баробар,
Ҳар иккиси қонхўр, кушанда унга.
Уни йиртқич эмас, ўзин диловар —
Дегучи одамзот солмиш шу кунга.

Ярадор оҳунинг қиёфасида
Ярадор дунёни кўрдим шу замон.
Ҳайҳот ҳамон фақат оҳуларнимас,
Инсон қонини ҳам тўкмоқда инсон...

* * *

Кексаликда келган муҳаббат каби
Хазонрез боғларда олма гуллабди.
Аmmo у баҳорий илиқлик қани?
Боғларнинг ифори, кўрки қолмабди.

Бемаврид кўз очган уйқудаги гул,
Афсус, мева тугуб улгура олмас.
Баҳорга талпиниб очилганда у
Ўзини куз кутиб турганин билмас...

ТУМАН

Йўлларимни тўсиб олган,
туман —
туман-туман лашкар
Чор атрофни босиб олган.

Ҳайдасам ҳам тарқамайди,
парво қилмай қараб турар.
Қаҳрим келар, пайқамайди.

Гўё ғурур бўлган унут,
кўринмайди тераклар ҳам.
Туман ичра сақлар сукут.

Очолмайди кўзларини
ҳатто осмон.
Ҳатто қуёш —
сочолмайди нурларини.

Эриниб турар у беҳол
қаердадир кўк четида.
Қуёш-а, бу қуёш, не ҳол?!

Шу дам келар шамол гувлаб,
туманларни тўзғитади
ва ортидан кетар қувлаб...

ЭЪТИҚОДЛИ ҚИШИ

· Сен бир садо бўлиб чиқдинг
замонларнинг қаъридан.

· Сен бир нидо бўлиб чиқдинг
инсонларнинг бағридан.

· Қуллар осмон, худолардан
сўраган паноҳсан — сен.

· Чингиз сўйган сағир гўдак
айтган сўнгги оҳсан — сен.

· Сен одамзот руҳидаги
эзуликнинг ўзисан.

· Сен покиза, гард қўнмаган
шабнамларнинг юзисан.

· Сен мўъжиза, тасодифан
келмагансан дунёга.

· Е фалакдан тушмадинг ҳам
Йўғрилиб нур, зиёга.

· Сен шундай бир инсондирсан,
тиним билмас, беором.

· Узгаларга кеча-кундуз
Йзлаб юрарсан ором.

· Узгалар чун жанглар аро
зардоб ютиб, қон ютиб,

· Қурашларга отилдинг сен
Узлигинг ҳам унутиб.

**Лекин сира изламадинг
шуҳрат, бойлик ва давлат.
Изладинг сен инсонларга
саодат ва адолат.**

**Чунки асрий орзуларга
мисли рўёбдек кулиб,
Бу дунёда туғулгансан
ШАФҚАТ, ҲАҚИҚАТ БУЛИБ**

Иўқ, қўйинг,
босмангиз ярамга малҳам.
Оғир азоб ичра
қийналай бу дам.

Неки бўлса бўлсин,
чидаин, майли.
Яра ўзим қилган
хато туфайли.

У шундай оғрисин,
унутмай зинҳор.
Ва бундай хатони
қилмайин такрор.

ОЛМАНИНГ СИНГАН ШОХЛАРИ

**Олманинг шохлари синиб кетибди,
Кўтара олмасдан ўз мевасини.
Унинг ўз меваси бошга етибди,
Қаранг, табиатнинг бу «шева»сини.**

**Ҳаётда ҳам учраб турар шундай хол,
Умримиз йўллари эмасдир равон,
Майли, ким ўзига бўлса гар-завол,
Атайин «шоҳ»ларни қайирган ёмон...**

ТИЛАК ҲАҚИДА

Тилак айтгин, эзгу тилаклар, шодон,
Бу кўҳна дунё ҳам кетсин ёшариб.
Аммо тилак айтиш қачондан буён
Расм бўлди сенга ароқ кўтариб?!

КЕЛИНЧАК

Ҳазил

Палов сузиб гардин товоқда,
Ноз-ла олиб келиб қўяр у.
Узи чимдиб олиб бармоқда,
Катта-катта олинг деяр у.

Хумор боқур, қарашларида —
Минг бир йиллик карашмалар бор.
Сирли-сирли сўзлашларида
Тухфа бўлиб кетар ихтиёр.

Куёвбола тортар хижолат,
Дейди: сиз ҳам олинг, малагим.
Келин эса табассум-ла дер:
Сизнинг еганингиз менинг еганим...

* * *

Гоҳо мис олтинга ўхшаб кўринар,
Гоҳо ҳақиқатдек туюлар гумон.
Гоҳо ёлгон чинга ўхшаб кўринар.
Гоҳо донишманддек кўринар нодон.

Аммо олтин-олтин, мис мисча қолар,
Ҳақиқат чиқади, гумон йўқолар.
Тўтун каби тарқар бир куни ёлгон,
Нодон нодонлигин қилур намоён.

БҮЛМАС

Ғазал

Азизим, босқинчида номус ила ор бўлмас,
Жонингни нисор этсанг ҳамки дўсту ёр бўлмас.

Бир мўру малахдур ул, мақсади ҳукмронлик,
Унингдек талончию очофат, ғаддор бўлмас.

Бу дунёда босқинчи ёмонлардан ёмондур,
Босқинчидек мунофиқ, разилу мурдор бўлмас.

У мисоли ажирик, эгалдай дер юртингни,
Унингдек бир уятсиз, безбегу беор бўлмас.

Ғар босқинчилигини айтсанг, чиқолмасдан тўлғонар,
Чунки ундек ялмоғиз, шайтон, бадкирдор бўлмас.

Босқинчида имон йўқ, ҳеч балодан қайтмайди,
У каби қонхўр, қабил, айёр, ҳийлакор бўлмас.

Босқинчига ишонма, сўзларида субут йўқ,
Босқинчидек маккору чиркин риёкор бўлмас.

Унинг билгани алдов, фиёқу фасод, нифоқдур,
Унингдек бебурд, сохта, сирли тикобдор бўлмас.

Унга меҳр, оқибат, раҳм сўзи бегона,
Босқинчидек бешафқат, қаттол жафокор бўлмас.

Абдулла, ғазал билан босқинчинини фоти этгил,
Узни таниган халққа Ватани ҳеч тор бўлмас.

* * *

Бир танишим шундай сўз деди:
Уз ҳақида гап тўхтаганда.
«Иш жойида, ҳеч гап йўқ эди,
Кимдир сувни лойқатмаганда...»

Хўрсинди у, сўзлари синиқ...
Лавозимдан бўшаган одам.
Унга дедим, сув бўлса тиниқ,
Лойқаланмас минг чайқатса ҳам!»

БЕРМУД УЧБУРЧАГИ

Бу дунёнинг кўпдир тилсими, сирли,
Гоҳо олимлар ҳам қолишар ожиз.
Бермуд учбурчаги улардан бири,
Қанча кема бунда ғарқ бўлмиш беиз.

Қанча самолётлар шу сирли жойда
Тўсатдан йўқ бўлиб кетгани аён.
Барча қидиришлар бермас ҳеч фойда,
Номаълум, чўкдими ё ютди осмон.

Ҳаётда ҳам шундай учбурчаклар бор,
Бермуд бурчагидан кўра сирлироқ.
Умринг кемасини бошқаргин ҳушёр,
Хатарли жойлардан сузгил нарироқ...

ТИРИКЛИК

Пайдо бўладики ҳар бир тирик жон,
Курашар тириклик учун ҳар қачон.
Аммо тоқатим йўқ, тириклик дея,
Ўзин ўтга — чўққа урса гар инсон.

Тириклик қийиндир, қийиндир чунон,
Одамдек юрмоқлик эмасдир осон.
Аммо тоқатим йўқ, тириклик дея,
Минг хилда турланиб турса гар инсон!

Инсонга инсонлик энг олий унвон,
Инсонга инсонлик энг покиза шон.
Аммо тоқатим йўқ, тириклик дея,
Ор-номусин сотиб яшаса инсон!

ҚОДИРИИЛАР АРМОНИ

Хатоларни тан олдик, тан олдик такрор,
Ўтганларга ағдариб, ағдариб бисёр.

Қулатиб бўлгач биз юксак тоғларни,
Оқ доғлар атаймиз қора доғларни.

Душман деб ўлдириб, энди оқлаймиз,
Буни халқ кечирсин... шунини хоҳлаймиз.

Бугун улар ҳақда гапирмоқ осон,
Тағин ҳам бош узра қуламас осмон!

Қийин, минг йил ўтса ҳам ўшанга қийин,
Қирғин кунлар домига тушганга қийин,

Қийин унинг қон ютган дўсту ёрига,
Фарзандлари, зор қақшаб қолган ёрига.

Айтинг, унут бўларми улар чеккан ғам,
Беғуноҳ одамлар қатл этилган дам?..

Ахир қандай сўнди. айтинг бу замон,
Қодирий кўзларида яшнаган армон?!

УНУТ БЎЛАРМИДИ?

Уттизинчи йиллар... Оҳ у армонлар,
Тарихимизга доғ бўлган замонлар.
Кўзлардан ёш бўлиб қуйилган қонлар,
Унут бўлармиди, унут бўларми?

Бирин-бирин келиб олиб кетдилар,
«Халқ душмани» дея қатл этдилар.
Душман эмас, дўстлар бошига етдилар.
Унут бўларми бу, унут бўларми?

Қани Акмал Икром, бир бор кўрайини,
Файзулла Хўжани қайдан сўрайини?
Шоир Усмонжонни қайдан тонайини,
Унут бўларми у, унут бўларми?

Унта эмас улар, юзта ҳам эмас,
Миңгта ҳам, ўн миңгта, юз миңгта эмас.
Миллионлаб одам шаҳид кетди, бас.
Унут бўлармиди, унут бўларми?

Уларнинг кўплари олис шимолда,
Совуқ, очлик, азоб чеккани ҳолда
Жон берган эдилар миңг бир хаёлда,
Дўст киму душман ким, билолмай доғда.
Унут бўларми бу, унут бўларми?

ТУРОН

Ватан, муқаддас ватан, энг муқаддас,
Сени бошқача атаб бўлмас!

Т. Шевченко

I

Мана, онам каби меҳри товланиб,
Қаршимда турибди менинг Ватаним.
Гўзал кенгликларнинг кўрки мавжланиб,
Шодмон ўйларимни эркалар манним.

Бир вақтлар кимсасиз бўлган бу тупроқ,
бир вақтлар ҳувиллаб турган бу ватан,
Бир вақтлар унинг ҳам бағрида йироқ,
заҳматкаш пахтакор халқим яралган.

II

Ахриманга душман бўлган ватаним¹,
эй, Хурмузнинг номи туғилган диёр²,
бир фарзандинг бўлиб тарихинг кўрдим,
гоҳ ғамгин, гоҳида бўлдим бахтиёр.

Қанча-қанча дoston, афсоналардан
дунё тарихида кўрдим намоён.
Қанча-қанча даври давраонлардан
оламга бўлдинг сен Рустаму дoston.

Душманларга асло бўйин эгмадинг,
Азалдан эрк учун курашдинг йироқ.

¹ Емонлик худоси.

² Яхшилик худоси.

Ҷақраган саҳрода боплаб алдадинг
Доро лашкарларин бўлиб сен Широқ.

Қимки босқинчилик қилди сенга пеш,
о-хир барин чиқди афсус, ноласи.
Ана, Тўмарисда қонга тўла меш,
ичида шоҳ Қирнинг қонли калласи!

III

Аммо, юртим, яна эсламоқ нечун,
ўтмишингга тарих ўзидир гувоҳ.
Тўкин, гўзал ўлка бўлганлигинг-чун
бўлиб келди бағринг бир умр жангтоҳ.

Ҳатто Искандар ҳам сени деб, ўлкам,
киндик қони томган тупроқдан кечди.
Ўз авлодларига ўлаётган дам
сенда яшамоқни васият этди.

Мангу қолмоқ учун бағрингда араб,
ислом туруғини илди бўйнингга.
Гоҳи қонинг сўриб, гоҳида авраб.
илондек сирғалиб кирди қўйнингга.

Бу пайт ёпишганича эгар қошига,
Муҳаммад Афғонга қараб учарди.
Қўрқоқлар турсалар юртнинг бошида,
Ахир халқнинг ҳоли нима кечарди?!

Оҳ, сен кўзларимнинг оқу қароси,
тошдан бўлган бошинг нелар кўрмади?!
Кимларнинг келмади сенга ҳаваси,
устинга кўшинин тортиб елмади?!

Аммо, халқим, сенга шарафлар бўлсин,
шараф бўлсин сенга, эй она ватан.
Хоҳи сен тинч бўлгин, хоҳ нотинч бўлгин,
не-не фарзанд кўрдинг, багринг кенг экан.

Жасур Спитамен македонларнинг
Қонларини Вахшга оқизди чунон
Муқанно арабий мусулмонларнинг
зулмига қарши кўтарди исён.

Очофат мўғуллар келганда босиб,
лашкарларинг қараб қолганда ҳайрон.
номард отасига лаънатлар айтиб,
майдонга от солди Жалолиддинхон.

Дард чекканларида азиз инсонлар,
Ибн Сино келиб дардларин олди.
Фаробий най чалиб қийналган жонлар
руҳига эзгулик ва умид солди.

Ҳеч қачон бир юртни йўқ қилиб бўлмас,
Тўкилганида ҳам дарё-дарё қон.
ҚОНУНКИ, ЎЗГАГА ҲЕЧ НАСИБ ҚИЛМАС
БИРОР ХАЛҚ АЗАЛДАН ЯРАЛГАН МАКОН!

V

Қимлардан қолмади шунча ватанлар,
Қимлар ҳам тугилиб ўлмади ахир?
Бир маҳал жаҳонгир бўлиб ўтганлар
бир бўйра тупроқни қучдилар охир.

Мана, осмон акси гумбаз ичида,
Мармар сағанада Ўтар Темурланг.
Қаранг, ул шуълари, шамшир учида
ўйнаган онийлик шухратни, қаранг!

— Қани Искандарнинг улуғ қудрати?
— Қани Антиох қурган етмиш беш шаҳар?
— Қани мўғулларнинг солган даҳшати?
Улардан қолмади ҳаттоки асар!

Келажак даврлар бўйонларида
совурилиб битди уларнинг бари.
Ҳақиқатли дунё замонларида

БОСҚИНЧИ ДЕГАННИНГ ШУДИР ТАҚДИРИ!

VI

Эй юртим, инсонлар бир-бирларига
кўрмаганларида ўлимни раво
бу кун етиб буюк орзуларига
қаңчалар юксалган бўларди дунё!

VII

Бугун жаннатмисол бир чаман бўлиб,
Гуллаб яшнаяпсан, азиз ватаним.
Кенг пешонамда оппоқ нур кўриб,
тўлиб куйламоқда юрагим маним.

Тўлиб кетаяпман бобокалонлар,
ватан деб қўйнингда ёндирган чироқ,
ўтиб қанча-қанча асру замонлар
бугун порламоқда бўлиб ёрқинроқ.

Қуш учса қаноти куяр чўлларнинг
Бугун жамолига қийиндир таъриф.
Ҳаттоки кашф этиб фазо йўлларин,
бизлар яратяпмиз буюк бир тарих.

Улуғвор минорлар рўпарасида
бунёд этаяпмиз гўзал қасрлар.
Бу кунлар ҳақида бўлиб обида
сўйлаб туражакдир неча асрлар.

Бугун бизлар бунёд этмакдадурмиз
ер юзида ажиб беқийёс гулшан.
Барча инсонларга бизнинг орзумиз,
БУЛАР ЕР ҚУРРАСИ БУЮК БИР ВАТАНЪ

ЭКОЛОГЛАРГА

Қуримасин Орол денгизи,
Атроф-муҳит бўлсин мусаффо.
Булғанмасин Бўстонлиқ юзи,
Қоришмасин газларга ҳаво.

Жониворлар чекмасин озор,
Табиатга зарар етмасин.
Ноёб қушлар ва ўсимликлар,
Заминдан йўқ бўлиб кетмасин.

Кеча-кундуз ўйлайсиз шунни,
Келажак деб куйиб ёнасиз.
Қурашларга кириб ҳар кунни,
Эзгу йўлда ҳориб, толасиз.

Аммо инсон руҳида бундан,
Экологик вазият ёмон.
Кечмоқдадир виждони ундан,
Булғанмоқда ҳаттоки имон.

Сўнмоқдадир гурури ҳайҳот,
Қолмаяпти буткул орият.
Поклигини йўқотди кўп зот,
Камёб нарса бу кун ҳамият.

Амал учун номусин сотиб,
Кўшлар юртин қилиб кетди хор.
Бошигача ботқоққа ботиб
Она тилин унутганлар бор.

Бугун меҳр Қизил китобга
Ёзилган бир қуш каби нодир.
Оқибатми, йўқдек ҳисобда,
Борми уни қилгани қодир?!

Қадр ҳозир анқо уруғи,
Тарозиси пулдор қимматнинг.
Садақадир гўё йўриғи,
Нокасларга саъйи ҳимматнинг?!

Қирғин йиллар асоратида,
Шерюраклар бўлганди майиб.
Турғунликлар асоратида,
Қуёнзотлар кетди кўпайиб.

Мардлик қайда, дадиллик қайда,
Қайда қолди жасур, ботирлар?
Мусичадек беозор жойда,
Ғафлат ичра ухлаб ётурлар.

Ростгўйликни бир четга суриб,
Кўплар касб қилди ёлғонни.
Кўзларига тик қараб туриб,
Алдамоқда инсон инсонни.

Ё раб, ҳаром луқмаларни ҳам,
Яшашмоқда югиб бемалол.
Ҳатто бундан сўз очилган дам,
Баъзиларга келмоқда малол.

Экологлар, сиз табиатни.
Асрамоқни ўйлайсиз фақат.
Келди инсон руҳиятини
Идлатлардан асрайдиган вақт!

**Лек ўзга юртингга ҳукмрон бўлса,
Қўрқув ичра мардлик бил, яшириндир...**

6

**Амал бўлса ҳаёт кўп тотли бўлар,
Барча сенга хўп илтифотли бўлар.
Бироқ амал учун Ватанни сотма,
Ватанфуруш умри хароботли бўлар...**

7

**Оқни қорадан фарқ қилмоқни ўрган,
Дўст қадрини доим билмоқни ўрган.
Қим агар юртингга кўзини тикса,
Унинг бағрин тикка тилмоқни ўрган...**

8

**Молу дунё дея сен ёнмагил ҳеч,
Борингни барчадан қизғонмагин ҳеч.
Фақат Ватанингни кўзингдек асра,
Уни келгиндига ишонмагин ҳеч...**

9

**Бу бўстон, гулистон, гулшан сеники,
Бу боғлар, гулзорлар, чаман сеники.
Боболардан сенга мерос бу тупроқ,
Бу маскан, бу макон, Ватан сеники.**

10

**Ватан учун кетса бор ҳамёндан кеч,
Агар зарур бўлса шуҳрат-шондан кеч.
Ватандан улуғроқ ҳеч нарса йўқдир,
Ватан учун ҳаргиз сен ҳам жондан кеч.**

Ватан тупроғидан улур тахт борми?
 Уни севмоқликдан боқий бахт борми?
 Ватанга садоқат — умр мезони,
 Содиқ қолмоқликдан буюк аҳд борми?

Ватан — бизга мерос, қабул этмоқ фарз,
 Асраб қадрин билиб, унга етмоқ фарз.
 Келгуси авлодга яна бус-бутун
 Уни мерос қилиб кетмоқ бизга қарз...

Дилдор хушвақт турса, Ватанни танла,
 Хазина нақд турса, Ватанни танла.
 Ватанга тенг бўлмас ҳеч қандай имкон,
 Ҳаттоки тахт турса, Ватанни танла!

Қалбимдаги буюк армоним менинг,
 Боболардан қолган маконим менинг.
 Сендан муқаддасроқ саждагоҳ йўқдир,
 Эй буюк Ватаним, Туроним менинг!

Ватан ҳақида гап кетганда ҳар вақт,
 Сергак тур, бедор юр, бўлмагин карахт.
 Ватан тақдирига бепарво одам —
 Барглари қовжираб қуриган дарахт.

Ватаним деб куйиб ёнмаган қасдир,
 Халқим деб ўртаниб ёнмаган хасдир.
 Элу юрт ғамига бепарво инсон,
 Энг ғариб, энг ночор гадодан пастдир.

17.

Ватаннинг меҳрини кўзингда сақла,
 Ватаннинг номини сўзингда сақла.
 Ватаннинг эркини жонингга жойдаб,
 Сен уни доимо ўзингда сақла.

18

Дунёда бизларни яратган эгам,
 Шу ватанин берган яратгани дам.
 Унинг-эғасимиз еру осмонда.
 Буни билиб кўйсин жумлан олам.

19

Шу юрт бойликларин ўйлаб ҳар сафар,
 Ғайри дил билан сўз очса ким агар.
 Унинг сўзларин бўл, тинглама зинҳор,
 У зет бўлса ҳамки ҳатто пайғамбар.

20

Худо қайси элни қачон яратибди,
 Ерда унга лойиқ макон яратибди.
 Агар у маконин сақлай олмаса,
 Бағрини ҳамиша қон яратибди.

Шунга ишончингни комил қил, ганим,
 Сенга насиб этмас менинг Ватаним.
 Ватан деб курашда ўлиб кетсам гар,
 Сени таъқиб этар руҳим ҳам маним.

Қани менга жавоб бер-чи, эй иним,
 Дунёда энг бахтсиз, ғариб одам ким?
 У шўрлик Ватандан айрилган одам,
 Ватан қадрин билмас кишидир балким...

Кимки Ватан учун курашда ўлар,
 Бундай ўлим унга шон-шуҳрат бўлар.
 Озодлик, эрк учун жон бергач жони —
 Ватаннинг жонида жон бўлиб қолар.

Ватан ҳам тирик жон, жонзот каби. **Бил,**
 Сени мендек яшар, бир эътибор қил.
 У озод бўлмаса, беморлигидир,
 Шифосини изла, жонни нисор қил.

УҶАББАТ

1

Кўп кўҳна эрур бу муҳаббат иши,
Жуда ҳам сирлидир унинг ташвиши.
Боши минг ташвишга қолмоғи мумкин,
Ошиқ-маъшуқ аро тушган ҳар киши.

2

Ҳар ким дер: фарзандим бўлсин бахтиёр,
Емонликни раво кўрмайди зинҳор.
Аммо болни тутдим, дея гоҳида,
Оғуни ичгизиб қўймоғи ҳам бор...

3

Кўнгил узолмадинг, кўп йиллар ўтди,
Демагил ушбу дам ёдим унутди.
Сенинг садоқатинг дилларда, дилдор,
Мангу хазон билмас боғ бунёд этди.

4

Дунёда энг гўзал нимадир, дилдор?
Жавоб беролмайсан, урунма зинҳор.
Яхшиси сен буни ўзингдан сўра,
Кўзгу олдига бор, кўзингга қара!

5

Уз бахтингни унут қилиб бўлса ҳам,
Донм бахт тилайсан сен менга, эркам.

Шундай бахт тилагин, сендан ўтинчим,
Иккимиз ҳам бахтдан бўлайлик бекам.

6

Сенга азоб бермиш ҳижрон азоби,
Зору нолон этмиш йиллар фироғи.
Яна ўз аслингга қайтарар такрор,
Севгининг бир ҳўплам жонбахш гулоби.

7

Сен доим яшнаган гулзорсан, дилдор,
Сенинг тўрт фаслинг ҳам мисоли баҳор.
Ҳатто ёдга тушсанг, дил қувонади,
Ширин сўзларингда қуёш тафти бор.

У ВА СЕН

У — тилсиз, забонсиз, совуқ бир қоян,

Сен — ўз тарихини билмас бир инсон.

У — доим эргашиб юргучи соя,

Сен — тақлид дардига чалинган бир жон.

У — ёлғиз уяси пайхон бўлган қуш,

Сен — ўз ватанида беватан бир зот.

У — ногаҳон бошдан учиб кетган ҳуш,

Сен — йўқолган эрқдан нохуш хотирот.

У — полапонини илон еган сор,

Сен — ўғли сариқдан жон берган аёл.

У — олис йўлларда ҳориб ўлган нор,

Сен — муте каллада чарчаган хаёл.

У — Орол тубидан тўзгиган шўри,

Сен — ўз денгизини қуритган лодон.

У — боғларни кесган жоҳиллар зўри,

Сен — бозордан мева излаган боғбон.

У — чўлда кўл бўлиб кўринган сароб,

Сен — унга интилиб толиққан сайёҳ.

У — ёлғон юзида чиройли ниқоб,

Сен — лақма, алданиб бўлган дилсиёҳ!

У — кўзга сочилган бир ҳовуч қумдир,

Сен — кўзи беркилиб қолган бир булоқ.

У — қўрқоқ, оғзида тилланган мумдир,

Сен — дардларин ютиб сарғайган япроқ.

У — чироқдир, пастлаб кетган пилиги,
Сен — сабр кўзида қолмаган мадор.
У — чилпарчин синган кўза синиғи,
Сен — сувни келтириб хор бўлган дастёр.

У — сувнинг бетида қотиб қолган муз,
Сен — муздек меҳрга умидвор одам,
У — шамолга бекор совурилган сўз,
Сен — қашшоқ деҳқоннинг юзидаги ғам.

Етар! У — уйғониб сурон солган онг,
Сен — хабар бергани шошилган жарчи.
У — энди ёришиб отаётган тонг,
Сен — энди майдонга кирган бир жангчи!

Сохта пойдеворга қурилар ҳаёт,
Қўпайиб кетади қуёнмижоз зот,
Улар ўзлигидан тонарлар, ҳайҳот!
Ўзгалар юртингга ҳукмрон бўлса.

Ўз ерингдан ерни тилаб оларсан,
Ўз ҳаққингни сўраб чарчаб, толарсан.
Топганингни бериб, қуруқ қоларсан,
Ўзгалар юртингга ҳукмрон бўлса.

Жигилдонга банди бўлар виждонинг,
Гаровга қўйилар дину имонинг.
Меҳру оқибатга зор бўлар жонинг,
Ўзгалар юртингга ҳукмрон бўлса.

«Қарздор»дирсан қарздор қилиб юрсанг ҳам,
«Боқиманда»дирсан боқиб турсанг ҳам.
«Бойсан» сен чор-ночор кунинг кўрсанг ҳам,
Ўзгалар юртингга ҳукмрон бўлса.

Доим кемтик бўлар бир бурда номинг,
Ҳеч қачон юзага чиқмайди номинг,
Абадий қўлингда қолар «толон»инг,
Ўзгалар юртингга ҳукмрон бўлса.

АРМИЯДАН КЕЛГАН ТОБУТНИ КҮРИБ УЙЛАГАНЛАРИМ

1

Бу Турондан эсган сабомиди,
Шундай йигит гўрга равомиди?
Юлинган бу сочлар кимники?..

2

Мўйлави ҳам энди сабза урганди,
У ёруғ дунёда нима кўрганди?
Тобутни қучоқлаб йиглаётган ким?..

3

Уларга ҳам боққан балолар бордир,
Қирғинли, қиронли ваболар бордир —
Бу йигитни ўлдирганларга...

4

Бу кулфат — тош каби зил-замбил ахир,
Бу дард — Тянь-Шань тоғидан оғир.
Қандай кўтаради унинг онаси...

5

Бобонг Жаҳонгирга жангчи бўлгандир,
Қонга қон, жонга жон, дея ўлгандир,
Сен қандай бекорга ўлдингу кетдинг...

6

Улдириб, ўзини ўлган дейишди,
Аслида ўзидан ўтган дейишди.
Бу риёни қандай кўтарар замин?..

7

Ҳокимлар юришар бепарво, лоқайд,
Уларнинг ҳам ўғли бормикин, ҳей, айт!
Зора уларга ҳам тобут келсайди...

8

...Сўнгги дам нима деб нидо этдийкин,
У қандай армонлар билан кетдийкин?
Бу армон қабрга қандай сигади?..

9

Навқирон қадингни паст қилибдилар,
Беғуноҳ жонингга қасд қилибдилар,
Қон ичсанг ҳам рози бўларди отанг...

10

Успирин қўшнилар ғамнок туришди,
Улар ҳам тобутни очиб кўришди.
Уларнинг кўнглидан нима кечдийкин?..

11

Бу қадар қабоҳат оламда йўқдир,
Разиллик разилнинг ўзига ўқдир.
Ўзи билармикин разиллигини...

Бу — қисматми, қисмат, беғуноҳ ўлди,
 Жангчи жангсиз бугун қабрга тўлди,
 Эй дунё, ишингга қойил қолмадим...

Шак келтирмайман, лек бормисан, оллоҳ?
 Нега бўлмадинг сен унга паноҳ?!
 Ахир унда нима гуноҳ бор эди...

Шу қадар совуқ, шум бўларми хабар,
 Юракка санчилди дудама ханжар...
 Қўлида хат билан ўтириб қолди...

Бир қиз узоқроқдан жим қараб турди,
 Сўнг тобут ортидан бебилим юрди,
 Бирдан у деворга қолди суяниб...

Энди бу бош узра қанд сочилмайди,
 Унга янги эшик ҳеч очилмайди,
 Ҳали туғилмаган бола ҳам ўлди...

Шунча йигит ўлди, камаймоқдамиз,
 Бутун Турон, тун-кун йиғламоқдамиз,
 Эй душман, шумиди сени муродинг?!

Бир кун бу тобутлар сўрови бордир,
 Қотилликнинг товои, тўлови бордир.
 Чидайсанми ўзинг қасос олсалар?..

19

Шаҳидлар ортида ёронлари бор,
 Жонажон дўстлари, полвонлари бор.
 Улар мусичадек беозор эмас...

20

Кўзим қароғида кўзёш тугади,
 Юрагим тубида бардош тугади.
 Ҳеч нарса қолмади, қаҳрдан бўлак...

САҚИЗЛИКЛАР

1

Булутлар, булутлар, оппоқ булутлар,
Кўзёшдек тўсмангиз осмон юзини,
Эй хаёлларимдек тарқоқ булутлар,
Сояларга тўлдирманг ернинг юзини.

Егинг, сўнг кўринсин чеҳралар сутдек,
Борлиқ чарақласин, бўлмасин хира.
Кўзёшлар оқмасин, қора булутдек,
Кўнгил ҳам, осмон ҳам бўлсин бокира.

2

Дўстлар кўнгил очиб, кўнгил олсалар,
Шоқланиб танамга сиғмай кетаман.
Қалбимга эзгулик, шодлик солсалар,
Поёнсиз сламга сиғмай кетаман.

Юракдан тошади кўтаринки руҳ,
Яхшилар умрига умр — тилагим.
Бир ким ўкинтирса, дилдан нидо «ух!»
Гўдакдек хилзатда йиғлар юрагим.

3

Олдинда икки йўл турибди ҳозир,
Яхши ва ёмонлик дея аталмиш.
Дўст, душман танлашга бўлақол ҳозир,
Ҳар ким ҳам ҳаётда бунга тўхталмиш.

Яхши йўлдан кетсанг, бўлайин ҳамроҳ,
Бир содиқ дўст бўлгум сенга бегумон.
Ёмон йўлдан кетсанг, бўлгилки огоҳ,
Душманнинг ҳам чиқар жуда беомон.

РУБОИЙЛАР

Кўнгли қурумдан ҳам қаро бир одам,
Оқ кўнгил атайди ўзини ҳар дам.
Бунга тоқат қилар эдимۇ аммо,
У қалби қаро дер оқ кўнгилни ҳам.

* * *

Сени кенглигинг учун яхши кўраман,
Дўстга тенглигинг учун яхши кўраман.
Сен фақат ўзингга ўхшайсан, дўстим,
Сени сенлигинг учун яхши кўраман.

* * *

Илму кимё топдим яхшини излаб,
Янги дунё топдим яхшини излаб.
Яхшиларни излаб кам бўлган борми?
Нуру зиё топдим яхшини излаб.

ҚИСМАТ

Бургутлар ўлса ҳам мардона ўлар,
Қояларга мағрур уриб тўшини.
Қуёнлар қисмати сазойи бўлар,
Йиртқичлар бурдалаб ташлар гўштини.

* * *

Биз севамиз бир-биримизни,
Аммо айтолмаймиз сира ҳам.
Учрашганда кўзларимизни
Узолмаймиз бир-биримиздан.

Биз севамиз бир-биримизни,
Аммо айтолмаймиз сира ҳам.
Пинҳон тутиб сирларимизни
Яшамоққа мажбурмиз, эркам.

Биз севамиз бир-биримизни,
Аммо бизга висол йўқ, дилдор.
Жиловловчи ҳисларимизни
Сенда ҳам ёр, менда ҳам ёр бор.

Биз севамиз бир-биримизни,
Изҳори дил этсак бўлади.
Қовуштириб қўяру бизни,
Аммо севги ўзи ўлади.

УЧҚУРҒОНЛИК ҚИЗЛАРГА

Ҳазил

Учқўрғоннинг қизлари жуда ҳам дилдор,
Кўзлари ва сўзларида меҳригиё бор,
Кўча-кўйда қараганда кўпам тикилманг,
Тарк этмасин тагин сизни бирдан ихтиёр.

Учқўрғоннинг қизларини сўзлари ширин,
Сўзлаганда қизарган юзлари ширин,
Гапирганда уятчан кўзлари ширин,
Учқўрғоннинг қизлари мисоли гулзор.

Илҳомланиб бир дам бўлиб кетиб шер,
Учқўрғонлик қизлар, сизга бағишладим шеър.
Учқўрғонлик йигитларга ҳеч айта кўрманг,
Йўқса дарров «Учқўрғондан кўрсатаман» дер.

ДУСТИМГА

1

Дўстим, сени жуда яхши кўраман,
Еқтираман, феълинг, одатларингни.
Доим сен ҳақингда ўйлаб юраман,
Қўмсаб ширин-ширин суҳбатларингни.

Сезаман, қалбингда менга нисбатан
Бир дунё меҳр ва муҳаббатинг бор.
Биламан, содиқсан ва оламан тан,
Уртамизда эзгу ишонч барқарор.

«Эшик очиқ, — дейсан — ҳамиша сизга»,
Дейсан доим: «Уйим тўри сизинки».
Ахир неки борки бир-биримизда,
Уларнинг барчаси, бари бизники.

Менга шамолни ҳам раво кўрмайсан,
Биламан, мен учун берасан жонни.
Менга тикон кирса қараб турмайсан,
Менсиз ҳеч емайсан бир бурда нонни.

Аммо меҳмон деган уч кунлик бўлар,
Уч кундан ўтдими тугар иззати.
Дўстликка ҳам раҳна қушлари қўнар,
Қўймоқ керак дарров уни кузатиб.

Дўстлик туйғусининг чегараси йўқ.
Аммо унинг шундай мезонлари бор.
Бизлар ҳис қиламиз, уни кўнгил тўқ,
Бизнинг дўстлигимиз, боқий, улугвор.

Агарда биз буни ҳис этолмасак,
Шу нозик торларни унутсак агар —
Дўстликни бир чинни пиёла десак,
Унинг дарз кетиши бир кун муқаррар.

Агарда биз буни ҳис этолмасак,
Шу нозик торларни унутсак агар —
Дўстликни бир чинни пиёла десак,
Унинг дарз кетиши бир кун муқаррар.

Агарда биз буни ҳис этолмасак,
Шу нозик торларни унутсак агар —
Дўстликни бир чинни пиёла десак,
Унинг дарз кетиши бир кун муқаррар.

Агарда биз буни ҳис этолмасак,
Шу нозик торларни унутсак агар —
Дўстликни бир чинни пиёла десак,
Унинг дарз кетиши бир кун муқаррар.

Агарда биз буни ҳис этолмасак,
Шу нозик торларни унутсак агар —
Дўстликни бир чинни пиёла десак,
Унинг дарз кетиши бир кун муқаррар.

Агарда биз буни ҳис этолмасак,
Шу нозик торларни унутсак агар —
Дўстликни бир чинни пиёла десак,
Унинг дарз кетиши бир кун муқаррар.

Агарда биз буни ҳис этолмасак,
Шу нозик торларни унутсак агар —
Дўстликни бир чинни пиёла десак,
Унинг дарз кетиши бир кун муқаррар.

МАҲОРАТ

Артист Тўйчи Ориповга

Очиғини айтсам сизга юзма-юз,
Жуда ёмон кўриб қолдим мен сизни.
Билмаган эканман, афсус, минг афсус,
Шунча вақтдан буён кимлигингизни.

Одам ҳам бўларми шунчалик маккор,
Шунчалик ифвогар, разил ва палад?!
Барча сўзларингиз адовати бор,
Барча ишларингиз адолатга зид.

Эзиб юбордингиз юрак-бағримни,
Заҳар оғуингиз билан тўлдириб.
Салгина бўлмаса, улуғ шoirни,
Қўярдингиз ҳийла билан ўлдириб.

Яхши ҳамки, таниб қолдик биз сизни,
Саҳна томон чиқиб кетганингизда.
Мана, билиб олдик кимлигингизни,
Вазир ролини ижро этганингизда!

ИҮҚ ДЕМАҢГ

Келинг энди, хўп дейқолинг, дилдор, йўқ деманг,
Хўп десангиз не бўларди, бир бор йўқ деманг.

Йўқ десангиз юракдаги меҳр йўқолар,
Йўқ десангиз дилга етар озор, йўқ деманг.

Хўп десангиз жоним, дилга бирам ёқади,
Хўп десангиз дил эрийди, эй ёр, йўқ деманг.

Хўп десангиз боғингизнинг боғбони бўлиб,
Гуллар экиб яратаман гулзор, йўқ деманг.

Йўқ сўзига Жалилийнинг бардоши йўқдир,
Хўп дейверинг унга доим, зинҳор йўқ деманг.

ҚУЕШ ЯРАЛМИШ

**Дилдор, сизнинг бағрингиз тош яралмиш,
Бизнинг эса кўнглимиз бўш яралмиш.**

**Токай сиз юрарсиз, парвойи фалак,
Айтинг, қайдан чимрилган қош яралмиш.**

**Бор экан-да бизнинг бошда бу савдо,
Билмадик, тошданми бу бош яралмиш.**

**Тош ҳам чидай олмас ҳижронингизга,
Яхшики бизда сабр, дош яралмиш.**

**Қаранг, кутавериб висолингизни
Жалилий қалбида қуёш яралмиш.**

МАҚТОВ

Мақтаб қўйса агар кимдир салгина,
Чойдаги қанд каби эриб кетамиз,
Сал танқиддан эса қиламиз гина,
Урни келса дарров чўқиб ўтамиз.

Нуқсонимиз айтган қолур балога,
Тўғри, душман, дея қилурмиз эълон,
Пуфласа пуфакдек учиб ҳавога,
Агёрларга эрмак бўлурмиз осон.

Арзимас ютуқни қиламиз пеша,
Дуч келган одамдан кутамиз мақтов,
Шу зайл йироқлар биздан андиша,
Мақтов — ружимизда кўринмас бир тов.

Мақтов — гафлат майи, ҳеч ичманг уни,
Мақтов — ширин заҳар, сиз сира ютманг.
Аччиқ ҳақ сўз айтса ким, дўст денг шуни,
Елгон мақтовларга ҳеч қулоқ тутманг!

МУҲАНДИС ДУСТИМ

Раҳимжон Қодирхон ўғлига

1

Ҳа, сизлар томонга неча бор ўтдим,
Учрата олмадим бирор марга ҳам.
Орак-юрагимдан соғиниб кетдим,
Кўргим келиб кетди сизни, дўстгинам.

Дилрабо қўшиққа, куйга бўлиб ром,
Хўплаб-хўплаб аччиқ кўк чойдан секин —
Ҳузурингизда дил олади ором,
Теран суҳбатлардан топаман таскин.

Бугун ҳам дил тортди, қўмсадим сизни,
Беихтиёр йўлим тушди сиз томон...

2

Дўстим, сизнинг юртга муҳаббатингиз,
Дўстлик ипи бўлиб бизни боғлаган,
Ватан муҳаббати дўсту ёр этиб,
Юксак ишлар сарн дадил чоғлаган.

Мен Ватан ҳақида шеър айтсам ҳар гал,
Юзларингиз порлаб кетади, дўстим.
Сиз ватан ҳақида сўз очган маҳал,
Чеҳрангизда нурли тонглари кўрдим.

Зеро ватанимиз келажаги шан,
Бизнинг орзуларда кўрсатар жамол.
Фарзандларнинг эзгу орзуларидан
Ватанлар юксалиб топганлар камол.

**Ватан муҳаббати нақадар улуғ,
Умримизни унга бахш айлаганмиз.
Унинг ишқи билан қалбимиз тўлуғ,
Ватанга фидойи доим ёруғ юз.**

ҚИШЛОҚ БОЛАЛАРИ

Далада кун тигига эгилганда бошингиз,
Бошингиздан урганда офтобнинг зарралари.
«Ҳали етмаган бўлса балоғатга ёшингиз»,
Деб тирналиб кетади қалбимнинг яралари.
Эй қишлоқ болалари, эй қишлоқ болалари...

Аёзли далаларда ишламоқ кимнинг иши?
Мурғак вужудингизни қучади куз шамоли.
Ногаҳон қучмасин деб сизни бирор дард қуши,
Қараб ўтар Абдулла бошдан учиб хаёли.
Эй қишлоқ болалари, эй қишлоқ болалари...

Нозикниҳол қизчалар, тиззалари шилинган,
Ороланиш ўрнига гўза ягана қилса?!
Шудринг мисоли кўзёш киприкларга илинган,
Боғлар қолиб далани, қирни кошона билса?!
Эй қишлоқ болалари, эй қишлоқ болалари...

Житобларингиз турар етим каби мунғайиб,
Телевизор кун бўйи йўлингизни пойлайди.
«О, ҳали ишларсиз ҳам катта бўлиб, улғайиб,
«Сизни бугун қай зolim далаларга боғлади?!
Эй қишлоқ болалари, эй қишлоқ болалари...

Таътил чоғи сизлар ҳам бўлиб кичкина сайёҳ,
Юртингизни ўрганиб юрсангиз бўлмайдими?
Таниб ўзлигингизни, бўлиб тарихдан огоҳ,
«Самарқанд, Бухорони кўрсангиз бўлмайдими?
Эй қишлоқ болалари, эй қишлоқ болалари...

«Меҳнат-роҳат» деб айтмиш сизга қайси афсунгар.
Қайси манқурт сизларни, айтинг, авраб аллади?
Усмирларга ҳам меҳнат роҳат саналса агар,
Нега у ҳам боласини далага чиқармади!
Эй қишлоқ болалари, эй қишлоқ болалари...

Эркалигин унутган, эй сиз укажонларим,
Албатта келар сизни эркалайдиган замон.
Лекин ҳозирча сизни ўз ота ва онангиз
Далага мажбур қилиб олиб чиққани ёмон!
Эй қишлоқ болалари, эй қишлоқ болалари...

ҚУРАДАГИ ИСЕН

Ехуд «безори» қўйлар ҳақида достон

Қаттакон бир қўрада,
Қўйлар кўтарди исён.
«Токай йиртқичлардан
Яшаймиз ҳовучлаб жон!»

Охурга оёқ тираб
Шохдор бир қора Қўчқор
Деди: «Токайгача биз
Қуллар-у, бўри — қулдор?»

Бўлди, бас, етар энди.
Қўра бўлсин мустақил.
Биз зулматда эканмиз,
Уйғонди энди ақл.

Бизлар ҳам эркин, озод
Яйловларда юрайлик.
Жадр-қимматимизни
Биз ҳам энди билайлик!»

Иўлбошчи Серкавой ҳам
Турар эди шу жойда.
Дер: «Ҳаммаси жойида,
Тўполондан не фойда?»

Лекин қўйлар барибир
Арзномалар битишди.
Қатта талаблар билан
Шоҳ Арслонга элтишди.

Арслон ўқиб номани,
Кўрсатди ўзин ғамхўр.
Деб «сизларни билмаса,
Бўрилар бўлишар кўр».

Бироқ айиққа берди
Фармони олий зимдан.
«Тез-тез юбориб тургин,
Барра гўштли кўзимдан».

Шунда йиртқичлар ҳам
Адирда қилди кенгаш.
«Зарур эди қўйларга
Нисбатан чора қўллаш».

— Майли,— деди Айиқвой,
Қўйлар ҳам гапиришсин.
Ҳозир демократия
Бир оз эркин бўлишсин.

Энди биз ҳеч уларни
Зўрлаб тутиб емаймиз.
Уздан иш чиқариб,
Сўнг қўрани талаймиз.

Тулки деди—поданинг
Ичидан чиқар низо.
Сўнгра бизлар борамиз,
Бўлиб тинчитганнамо.

Айиқ полвон, бўри, мен,
Тергов гуруҳ тузамиз.
Мен низо чиқараман,
Сўнг тергов ўтказамиз.

Шундай қилиб тўсатдан,
Қўрада чиқди низо.

«Қўчқорлар бир бўрини
Жондан қилганмиш жудо».

Тезликда уч кишилик
Тергов гуруҳ тузилди.
Комиссияга кулранг
Бўри ўзи бош бўлди.

Ахир қўрада доим
Тинчлик, интизом даркор.
Тартиб ўрнатмоқ керак,
Полада такрор, такрор.

Дарров ҳайвонотга ҳам,
Тайёрланди ахборот.
«Оммавий безорилик
Қўрада бўлди, ҳайҳот.

Нимжонгина бир бўри
Қўрага кирган экан.
Аслида у ҳам бўлса,
Адашиб юрган экан.

Безори қора қўчқор
Унга ҳужум қилибди.
Ахир шўрлик бўривой,
Буни қайдан билибди?»

Фожеа бўлган жойга
Етиб келишди уччов.
Тергов гуруҳ бошлиғи
Ишга киришди дарров.

Қира солиб қўрага,
Бўри қилди хунрезлик.
Бўғизланди ўнлаб қўй,
Яшиндек эди тезлик.

Аmmo ахборот учун
Бир бош қўй деб қўйилди.
У ҳам қаршилиқ қилган
Пайтда тутиб сўйилди.

— Қўчқор бўрнини қасддан
Сузворган,— дедилар.
Уликда қўчқор шохин
Изи қолган,— дедилар.

Ҳали аниқлаш лозим,
Бўри қай ҳолда ўлган.
Унга ёлғизми ёки
Бир пода ҳужум қилган.

Иртқичлар уч-тўрт ой,
Текшириш қилгач роса.
Фожеа юзасидан
Чикди шундай хулоса:

«Чиндан ҳам бу қўрада
Муаммолар тўпланган.
Қўйлар гоҳи қаровсиз,
Сувсиз ва емсиз қолган.

Асли қўйларда айб кам,
Улар юввош, беозор.
Бу неёнда найрағибоз
Эчкиларнинг қўли бор.

Улар тузениган экан
Махфий ҳолда бир битим,
Қўпоровчи ташкилот
«Иртқичларга ўлим!»

Барча шубҳали эчки
Тез рўйхатга олинсин.

Шубҳаликлар гуруҳи
Тезликда тарқатилсин.

Бундан сўнг қўраларда
Тўпланиш ман қилинсин,
Берухсат тўпланганлар
Дарров тутиб ейилсин».

Хонн, сотқин серка ҳам
Бу ерга келди маъраб.
Терговчилар ишини
Турарди у маъқуллаб.

Дер эди у: Бўрилар
Тўғри иш қилишади.
Ейишса, касалларни
Тутиб, сўнг ейишади.

Яхши, бор ғамхўримиз,
Табибимиз бўрилар.
Йўқса бизнинг гўштимиз
Қанорага илинар...

Охири уч юз қўйга
Жиноят қўзғотилди.
Бир нечта қўзиларни
Арслонга жўнатилди.

Олий жазога ҳукм
Бўлди безори Қўчқор.
Лаънати еган экан
Роса ўт билан кўкнор.

Тарбиячи қўйларни
Бўшатишди ишидан.
Баъзасига «ҳайфсан» деб,
Тортқилашди тўшидан.

Охир хонн серканинг
Узин суди бошланди.
Этию суяклари
Дарров ғажиб ташланди.

Бўрилар терговини
Шундай тугатиб кетди.
Бизнинг масал-эртак ҳам
Энди сўнгига етди.

ОНА ТИЛИМ

1

Гапдон дейишарди болалигимда,
Гапирмасдан бир зум туролмасдим ҳеч.
Эзма дейишарди тоқат қилолмай,
Танбеҳ эшитардим шундай эрта-кеч.

Найлай, шундай бурро тил берса халқим,
Найлай, сўзлар ўзи келса қуйилиб.
Қандай қилиб ахир тура олгум жим,
Қандай гапирмасдан турай тийилиб.

Тилимизда сўзнинг йўқдир ҳисоби,
Лиммо-лимдир фикрим хазинаси ҳам.
Нимани ёритса онгим офтоби,
Сўйлай олар тилим уни ўша дам.

Она тилим десам ифтихор дилда,
Уйғонади эзгу ҳислар муқадлас.
Навонӣ, Бобурлар сўзлаган тилда
Сўзлашмоқнинг ўзи ширин бир ҳавас.

2

Еш эканман, тўфори,
Кечир сени билмабман.
Ботиб ғафлатга борим,
Ҳеч эътибор қилмабман.

Энди билдим, дунёда —
Ҳеч ким эканман сенсиз.

Бўларканман афтода,
Худди қуриган денгиз.

Англаб етдим ниҳоят,
Бошда гулгож экансан.
Меҳру шафқатга ғоят
Зор ва муҳтож экансан.

Ҳис этиб ҳолатингни,
Тўлиб кетмоқда дилим.
Туркий дея отингни
Қаддинг кўтар, эй тилим!

3

Она тилим, тиллар ичида
Энг гўзали, ойн ўзингсан.
Мақтамайман тилим учуда,
Энг қудратли, бойи ўзингсан.

Еқимлисан, ширинсан, тилим,
Сўзлашганда худди шакарсан.
Фарланиб ўсади кўнглим,
Қандай майин, қандай дилбарсан,

Она тилим, сен бор экансан,
Биз ҳам бормиз ёруғ дунёда.
Сен биз билан жон ила тансан,
Шундан бизнинг толе зиёда.

Ер юзида халқ кўп, элат кўп,
Бир-биридан бари қутлуғроқ.
Аммо тилим, бизга оламда
Бирор тил йўқ сендан улуғроқ...

КИМ СЕВА ОЛАРДИ СЕНИ МЕНЧАЛИК...

...Оғир, жуда оғир, хаёлан бу дам,
Сени, дилдор, ўзга қучоқда кўрмоқ.
Оғир, жуда оғир, билсанг жуда ҳам..
Сендан айрилиқни ҳис қилиб турмоқ..
Кўзимдан ўтади ўтган кунларнинг
Кўча чироқлардек ёрқин нигоҳи.
Иккимизга соқин, сўлим туяларнинг
Хилватгоҳ боғларда бўлган паноҳи.
Сени ҳис қиламан ёнимда бордек,
Ширин хаёлларга чўмаман бирпас..
Кўзларимга дунё кўрinar тордек
Хаёллар кечмиши тугаган нафас.
Ким сева оларди мени сенчалик,
Сенчалик бахтиёр қила олур ким?
Ким сева оларди сени менчалик,
Менчалик бахтиёр қила олур ким?!!

АЁЛ

Эркаклар, биз қайдаю паризод аёл қайда?
Минг ўйламанг, аёлсиз ширин бир хаёл қайда?

Аёлларсиз бу дунё ойсиз, қуёшсиз само,
Аёлларсиз дилларни титратган ҳилол қайда?

Аёлларсиз ҳаётда маъно борми, тот борми,
Дилраболар лаълисиз асал қайда, бол қайда?

Қолсак агар адашиб, йўлларимиз тополмай,
Билолмасмиз аёлсиз жанубу шимол қайда?

Аёл билан умримиз гўзал, бағримиз бутун.
Аёлларсиз ечилган тугуну савол қайда?

Аёлларнинг изидан жанбил, райҳонлар унар,
Аёлларсиз гулларнинг юзидаги ол қайда?

Абдулла, аёл меҳру муҳаббатнинг чашмаси,
Аёлларсиз кавсарни тўлдирган зилол қайда?

НЕЧА ЕШДА УЙЛАНГАН МАЪҚУЛ?

Ҳазил ҳам чин

Уч-тўртта ёш-бўз йигитлар баҳслашишарди,
Бир якунга келишолмай тортишиб нуқул —
Ҳар бири ўз сўзларини маъқуллашарди,
Қани айтинг, неча ёшда уйланган маъқул?

Бири дейди: «Беш-олти йил ишлаб хотиржам,
Хизматларни бажариб сўнг уйланмоқ керак».
Бири дейди: Э қўйсанг-чи бу гапни, ошнам,
Беш-олти йил бўйдоқликка чидарми юрак?!»

Бири дейди: «Мен ўқийман, дипломни олиб,
Уйланаман ёшим ўттиз ёшга етганда.
Юраманми бошга ортиқ савдони солиб,
Оиланинг тўрвасини ортиб елкамда...»

Бири дейди: «Қизиғи йўқ ёш ўтгандан сўнг,
Юрасанми севганингни қучоқлаб тушда?
Маъно борми, болишингни ялаб-юлқалаб,
Ҳасратингни ёстиғингга айтиб ётишдан?»

Қайси бирин сўзи тўғри, билмайман аммо,
Бу борада ўз-ўзимга ичганман қасам.
Йигирмадан бир кун ўтмай уйлантираман,
Насиб килса ўғилчани, шу кунга етсам.

ДИЛШОДА ОПАГА БАҒИШЛАНГАН ШЕЪР

1

Ўз ўрнини билмаган одам,
Билмайда ўзгалар ўрнини.
Шу сабаб сизга, сизгасиз ҳам,
Ҳар тешикка тиқар бурнини.

2

Ичингдан ўтгани ўзинга маълум,
Гоҳо аламингни неча ютасан.
Дилниг оғритганда бирорга малъун,
Ҳақиқат онларни муштоқ кутасан..

3

Амалга минганда баъзи бир нодон,
Ўзини фил сезиб катта олади.
Лекин амалидан ажрагани он
Кучукдек кичкина бўлиб қолади.

4

Асли худо камситган киши
Ўзгаларни камситмоқ бўлар.
Камситмоқлик касб бўлса иши,
Ўзи бир кун хўрланиб ўлар.

5

Ўзгалар қадрини паст тутган кимса,
Ҳар гап ерга урар фақат ўзини.
Ғаразгүй туфайли кимдир ўкинса,
Яна кўтарилар унинг нуфузи.

НАПОЛЕОННИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Луи Арагондан

1

Қор ёғмоқда... Россия киши,
Уз қаҳрини қилар намойи.
Пўқотади эсини киши,
Қандай даҳшат! Тинмас қорбўрон...

2

Фақат мудҳиш совуқ бор бунда,
Ва кафандек оқарган туман.
Олампаноҳ чекинар шунда,
Қувлагандек худди ёсуман.

3

Ортда қолди... Москва, ёнғин...
Шаҳар узра бурқсийди тутун.
Қўшин борар чарчаган, ҳорғин,
Очлик, совуқ, қақшатган бутун.

4

Қўшин эмас борар қочоқлар,
Кўтарганча лашу лушини.
Қайда қолди шонли у чоғлар?
Таниб бўлмас лашкарбешини.

5

Байроқлар ҳам эгилган қуйи,
Мағлубликдан юзлари гиллим.

Чекинарди қўшин шу кўйи,
Олампаҳоқ ўйга чўмган, жим...

6

Қандай мудҳиш, қандай қора кун?
Шармандалик. Унинг боши ҳам,
Кўкдан тикка қулади бутун,
Баланд парвоз қилган бургут ҳам..

7

У енгилди. Тугади бари,
Чиқа олмас қўшин қошига.
Пучга чиқди шум ниятлари,
Босқинчилик етди бошига...

«УИҒОҚ РУҲЛАР» ДОСТОНИ

«Сизнинг отингиз Урибек...
Сизнинг қаҳрамонона исмингиз
Ури, элингиз Уз».

Ачур ёдномасидан, 8-аср.

1. МУҚАДДИМА

Урхун битиглари... Кўҳна битиглар,
Турк ёзуви ўйиб битилган тошлар.
Улар тошлар эмас, Турк халқларининг
Кўзларидан оқиб қотган кўзёшлар.

Энасой битиги... Кўҳна битиглар.
Минг йиллик ғамлардан сўйлаган тошлар.
Улар тошлар эмас, Турон Замида,
Озодлик, эрк учун кесилган бошлар...

Тўнжюқ битиги... Қадимий битиг.
Турк сир, Угуз сирини сақлаган тошлар.
Улар тошлар эмас, бизнинг аجدодлар.
Руҳида йиғилган сабр, бардошлар.

Кул Тигин, Билга хон. Унгин битиги,
Мозийдан бизларга мерос бу тошлар.
Улар тошлар эмас, босқинлар ичра
Кулфатда огуга айланган ошлар...

Тошдаги битиглар, сирли битиглар,
Кеча-кундуз ўқиб термулдим сизга.
Боболар руҳини топмоқ истадим.
Иўл солиб тошларга ўйилган изга.

Уларнинг руҳлари билан сўзлашдим,
Тиллашдим тошдаги кўҳна тил билан,
Гоҳо улар билан руҳан юзлашдим.
Диллашдим ғойибдан очик дил билан.

Билмадим бу не сир, бу не синоат,
Қадим замонларда айланиб юрдим.
Буюк мозорларни қилиб зиёрат,
Улуғ боболарнинг ўзини кўрдим.

Тасаввурим дафтар, хаёлим қалам,
Уларнинг сўзлари битилди дилга.
Эшитганларимни айтай ушбу дам,
Аждодлар дардини куйлайин элга.

2. ЭЛТАРИШ НИДОСИ

«Турк халқи йўқолмасин деб,
қурбон бўлмасин деб тепадаги
осмон айтган экан».

УНГИН битигидан, 8-аср.

Элтириш хоқон яқинларидан бири Элетмиш ва унинг
ўғли Чур Йўға қабри устида шундай деб турган экан...

Эй ҳийлакор Табғач, разил душманим,
Ушбу сўзларимни тинглагил маним,
Мангу қарам бўлмас сенга Ватаним,
Буни тепадаги осмон истамас...

Йўқ қила олмайсан улуғ халқимни,
Еб ҳам кетолмайсан менинг ҳаққимни,
Юткиза олмайсан бизга заққумни,
Буни тепадаги осмон истамас...

Сен каби душманлар жуда кўп бўлган,
Барчаси ҳам ўтган, барчаси ўлган,
Айтгин, ким абадий ҳукмрон бўлган?
Буни тепадаги осмон истамас...

Жанглар кўрдим, чексиз қурбонлар кўрдим,
Ватаним, халқим деб қон кечиб юрдим.
Қачон мен душманга тиз чўкиб турдим?
Буни тепадаги осмон истамас...

Дўстим Али Элетмиш, Чурга шараф-шон,
Бормиди улардек ботир, қаҳрамон?
Турк халқи йўқолмас, бўлмайди қурбон!
Буни тепадаги осмон истамас...

Инсон борки билсин халқининг қадрин,
Элетмиш тиклади халқининг қаддин.
Қўй, мен сўйламайман биз чеккан ғамдан,
Буни тепадаги осмон истамас...

Ҳеч ким айрилмасин ўз Ватанидан,
Элинг айрилмасин ўз хоқонидан.
Айриб бўлмас элни ўз маконидан,
Буни тепадаги осмон истамас...

ТУРК БУҒУЖАНГЧИСИНИНГ СУЗЛАРИ

«Давлатнинг чиройли қизил байроғин,
мен белимдаги олтин камаримга боғладим».

ЭЛЕГЕШ ёдномасидан. 8-аср.

Эй халқим, маҳкам бўл, бўл доим бутун,
Озодлик деб ўзни жангга чоғладим.
Давлатимнинг қизил байроғин бугун,
Энди маҳкам қилиб белга боғладим.

Юзта жангчи кучи бордир ўзимда,
Юзта душман келса бас келгум ўзим.
Турклар қатъияти бордир сўзимда,
Элимни сотсам гар қародир юзим.

Қаро бўлсин юзим Ватанни сотсам,
Молу дунё десам хор бўлайин, хор.
Тиз чўкиб яшасам, эрким йўқотсам,
Ўзимга яшашни ор билайин, ор.

Эркни йўқотганга қайғу тез келар,
Боши ғам-аламдан чиқмайди асло.
Қувончни фақат тушида кўрар,
Ўзлигини қайта топгунича то.

Эй халқим, маҳкам бўл, бўл доим бутув
Озодлик деб ўзни жангга чоғладим,
Давлатимнинг қизил байроғин бугун,
Энди маҳкам қилиб белга боғладим.

Ахир илк бор бизлар олиб кирганмиз
Шу қизил байроқни жанг майдонига.
Уша пайтда уни бўяб юрганмиз
Босқинчи зотларнинг қизил қонига..

4. БИЛГА ХОН ФАРЕДИ

«Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни
бу ерда тошга ўйиб ёздим. Адашиб айрил-
ганингизни ҳам... Унга қараб билинг, турк-
нинг эндиги халқи бекларн. Уй, дунёгагина
қарайдиган, кўзига фақат мол-мулк кўри-
надиган беклар, сизлар гумроҳсизлар».

КУЛ ТИГИН битигидан. 8-аср.

Билга хон укаси Кул, Тигин қабрига ёдгорлик тоши
қўйишга аҳд қилди. Шунда жияни Йўллик Тигинга қа-
раб шундай деб турарди:

— Йўллик Тигин, эй жияним тоштарош,
Кул Тигинга бир ёдгорлик қўяйлик,

Укам доғи билан бўлдим мен одош,
Юракдаги дардни тошга ўйайлик.

Тўқсон икки ўғиз сўзим эшитсин,
Вужуд қулоқ бўлиб тингласин халқим,
Сўзларимни доим ёдида тутсин,
Турк халқига мансуб, қондош бўлса ким!

Табгач олган ёвузликнинг ҳадисин,
Ширин сўзлаб, молу дунё ол, дейди.
Мол-дунёга келтиради ҳавасинг,
Амал бериб, бойлик бериб алдайди.

Қимки нодон бўлса ишонар унга,
Қим илмсиз бўлса ғафлатда қолар.
Қим алданса кумуш билан олтинга,
Бир кун бошга қилич зарбини олар.

Билинг, душман доноларни йўлатмас,
Йўлатмайди элпарварни ўзига.
Лекин сира хоинларни қулатмас,
Қўғирчоқдек ниқоб тутар юзига.

Қўғирчоқлар билан юртинг талайди,
Улар билан доим элинг бўзлатар.
Душман фақат сотқин бошин силайди,
Уларга ўз халқин гўштин тузлатар.

Эй турк халқи, бир-бирингдин қайрилма,
Хоқон сўзим, тўкмагин ўз қонингни.
Ўз қавмингдан, уруғингдан айрилма,
Жонинг ичра сақла Туркистонингни!

5. БУЛАЖАК ТУРК ХОҚОНЛАРГА, БИЛГА ХОҚОН ВАСИЯТИ

«Турк осмони, туркнинг муқаддас ери, суви шундай дейди: «Турк халқи йўқ бўлмасин, халқ бўлсин».

КУЛ ТИГИН битигидан. 8-аср.

Билга хоқон ўзидан кейинги хоқонларга васият қилиб қуйидагиларни тошга ўйиб ёздирди:

— Йўллуғ Тигин, ёзгин отам сўзини,
Шундай деган эди Элтариш хоқон:
Ботир ўғлон ўйсин душман кўзини,
Бирлашмаса халқнинг халқ бўлар қачон?

— Йўллуғ Тигин, ёзгин онам сўзини,
Шундай деган эди Эл Билга хотун:
Бирлаштирсин она ўз улусини,
Бирлашмаган тўзиб кетади бир кун...

Бу сўзларни билга жойлаб жанг қилдим,
Шарқу ғарбга лашкаримни юрғаздим.
Нифоқ солган ғаним ҳолин танг қилдим,
Турк халқини мен оёққа турғаздим.

Фитначининг юзларини лой этиб,
Алданишни ўзимга билдим уят.
Камбағални, муҳтожларни бой этиб,
Бор куч билан элни қилдим тарбият.

6. БИЛГА ХОҚОННИНГ ДУШМАН

ФИТНАСИ ҲАҚИДА АЙТГАНЛАРИ

«Тепадаги осмон босмаган бўлса, пастда ер
ёрилмаган бўлса, эй турк халқи, давлатингни,
ҳукуматингни ким бузди?»

КУЛ ТИГИН битигидан. 8-аср.

— Эй Кул Тигин, укажоним, меҳрибон,
Давлатли халқ эдик, у давлат қани?
Қани оллоҳ сояси ул соябон,
Бизлар барпо этган мамлакат қани?

Бизлар туздик, биз яратдик, тикладик,
Ота мерос давлатингни ким бузди?
Бир-бирига қайраб қондош элингни,
Фириб билан жон риштасин ким узди?

Нечун бериб қўйдик давлатни қўлдан,
Қўлдан чиқиб кетди мамлакат нечун?
Нечун айри тушдик адашиб йўлдан,
Қандай кунга қолдик, укажон, бу кун?!

Нечун турклар турк отини ташлади,
Нечун қабул қилди табғачча отни,*
Нечун турклар қул бўлди, кўз ёшлади,
Нечун хоқон қилди ўзига ётни?

Нечун босқинчилар саналди оллоҳ?
Зўрликларга Турон чидади нечун?
Нечун Турон юртда ўзгалар подшоҳ?
Хўрликларга бизлар чидадик нечун?!

* Та б ғ а ч — қадимги хитой босқинчи элатларидан.

Санайверсам дардим кўпдир, укажон,
Сўрайверсам савол қаторма-қатор.
Дардларимга малҳам қўяр қай замон,
Саволларга жавоб бергувчи ким бор?

Эй Кул Тигин, сен қабрингда тинч ухла,
Йўллуғ Тигин, жиян, тошга ўй бунки:
«Халқ бошига қуллик, мутелик тушар,
Душман фитнасига ишонган куни»...

7. БИЛГА ХОҚОННИНГ ИШОНЧ

ТУҒРИСИДА АЙТГАНЛАРИ

«Эй турк халқи, тўқиқ ишонувчисан. Ся-
мимий, носамимийни ажратмайсан»...

КУЛ ТИГИН битигидан. 8-аср.

— Биз ишондик, душман айтган сўзига,
Айтилган сўз отилган ўқдир, дедик.
Маълум ёлғиз яратганнинг ўзига,
Душманлардан биз жуда кўп панд едик.

Маккор душман доим бизни алдади,
Алдади у кўзимизга тик қараб.
Туркийлар ғафлатда қолишсин деди,
Аҳдномалар қилди илондек авраб.

Биз ишондик, лаққа тушиб тузоққа,
Илгимизда яраларнинг изи бор.
Яраларнинг изларидан узоққа
Кетадиган боболар панд, сўзи бор.

Ахир душманлар ҳам одам-ку, ахир,
Душман деб ёзмаган пешонасига.

Албатта ишониб алданмоқ оғир,
Уйнаб ифвогарнинг ноғарасига.

Лек яратмиш худо бизни жўн этиб,
Асло маккорликни билмайди юрак.
Балки соддаликка келгунча етиб,
Беш минг йил биз каби яшамоқ керак...

8. КИМ САБАБ?

«Укин, пушаймон бўл, кўргилигинг, тақ-
диринг учун... ўзинг адашдинг, орага-
ёмонни киргиздинг».

КУЛ ТИГИН битигидан. 8-аср.

— Неча марта Турон юртни ёв босди,
Эй туркийлар, кўп пушаймон бўлдингиз.
Евуз душман гўдакларни ҳам осди,
Эй туркийлар, ер-ла яксон бўлдингиз.

Укиндингиз, ҳам чекдингиз юз йиллаб,
Зардоб ютиб, дили вайрон бўлдингиз.
Қақшадингиз, оҳ урдингиз зор йиглаб,
Даҳшат ичра лолу ҳайрон бўлдингиз.

Эй туркийлар, тақдирларга тан бериб,
Юрак бағри қоп-қора қон бўлдингиз.
Кўргиликка кўникдингиз ноилж,
Юртингизда зору нолон бўлдингиз.

Қонларингиз сув ўрнида симрилди,
Эй туркийлар, айтинг, бунга ким сабаб?
Хоқонингиз ўлди, давлат емрилди,
Адашдингиз, айтинг бунга ким сабаб?

Қўлдан кетди Турон замин неча бор,
Эй туркийлар, айтинг, бунга ким сабаб?
Бой берилди эркинлигу ихтиёр,
Туронийлар, айтинг бунга ким сабаб?

Қани айтинг, мазлумликка ким сабаб,
Орангизга киргиздингиз ёмонни.
Қувмадингиз босқинчиларни саваб,
Айрилдингиз, бериб ота маконни.

Айрилдингиз, айрилганни бўри ер,
Душман еди битта-битта айириб.
Кишан солди, Турон—занжирбанд бир шер,
Тиз чўктирди душман сизни қайириб.

Туронийлар, мана келди истиқбол,
Кўзингизга қараб, сўзсиз диллашинг.
Фурсат кутиб бўлманг яна хомхаёл,
Тездан қўлни қўлга бериб бирлашинг.

Бир олингу қўлга муқаддас юртни,
Аmmo берманг энди уни душманга.
Унгингизда сизни худо сақласин,
Ҳатто тушда дуч келмангиз кишанга...

9. ЭРОН УЛУҒ СУЗИ

«Жасоратли халқни, кучли халқни ушлаб
турибман. Жанговар отим Эрон Улуғ...
Қаҳрамон йигитларим, шарафли давлатим
бор учун халқ ҳаяжонда юрмади».

ОЛТИНҚУЛ ёдномасидан. 8-аср.

— Жасоратли халқим, халқ бўлай десанг,
Жасур ўғлонлардан лашкарингни туз.
Куч-қудратли халқим, ҳақ бўлай десанг,
Авалло қулликнинг занжирларин уз.

Шавкатли давлатим бор бўлсин десанг,
Парчала истибдод кишанларини.
Эй қаҳрамон йигит, нор бўлай десанг,
Тақмагин босқинчи нишонларини.

Сардор бўлай десанг, эй зобит йигит,
Душманлардан унвон олма ҳеч қачон.
Маккор босқинчининг ниқобини йирт,
Унвонни халқингдан олиб, шон қозон.

Қор келайин десанг, истиқбол учун,
Босқинчи изидан тушган бўри бўл.
Туркий баҳодирсан, Туронда бу кун
Ўз юртинг эгаси, алпи, зўри бўл.

Буюк мамлакатнинг фарзандидирсан,
Ватанни севмоқни қилмагин канда.
Буюк юртинг буюк дардларини сан
Кўтариб олиб кет доим елкангда.

Ботирлари бор халқ кулфатда қолмас,
Қон, зардоб ютмайди бўлса лашкари.
Лашкари бор элнинг молин ёв олмас,
Ғам чекмас мард, жасур бўлса аскари.

Отим Эран Улуғ, айтаман такрор,
Жасоратли халқим, кучли халқим бор...

10. ТУНЮҚУҚ ДАЪВАТИ

«...Турк халқига қуролли душманни кел-
тирмадим.

...Давлатим ҳам давлат бўлди.

Халқ ҳам халқ бўлди».

ТУНЮҚУҚ битигидан. 712 йил.

Ватан — кўздир, унинг эгалари бор,
Эгаси сендирсан, кўзингни асра.

Сен туркий элдирсан дунёда номдор,
Эй қутлуғ авлодим, ўзингни асра.

Ватан кўздир, унинг қорачиғи — халқ,
Асрагин кўзларинг қорачиғини.
Халқим халқ бўлсин, десанг юрагингни ёқ,
Еқиб қувват қилгин халққа чўғини.

Сўзларим уқиб ол, сенга даъватим,
Даъват бўлсин кўкда порлаган кунга.
Давлат бўлсин десанг агар давлатим,
Қуролли душманни йўлатма унга...

Йўлатма юртингга душман аскарин,
Ватанинга қалқон айлагил танин.
Тан қалъаси ичра жондек асрагин,
Ватан бўлсин десанг агар ватанни.

Ватаним, халқим, давлатим десанг,
Шу уч калом билан яшасанг бедор —
Ҳар лаҳзада улар ғамини есанг,
Гадо эсанг сенда хон қудрати бор...

11. ХОТИМА

Элтариш нидосин, дардин тингладим,
Эшитдим Турк Буғу сўзларин такрор.
Билга хон фарёди недан, англадим,
Унинг васиятин ўқингиз минг бор.

Душман фитнасидан ул хоқон, ул ҳақ,
Билга хоқон огоҳ этмиш қадимда.
Эран улуғ айтмиш: жасоратли халқ,
Турклар яралмишлар Турон заминда.

Ватанни, давлатни, халқни асрашни,
Тунюқуқ ўргатди, айланг уни ёд.
Ватаним, халқим деб яшаганларнинг
Икки дунёсини айласин обод.

Қул Тигин бўзлади, бек ўғиллар қул,
Бўлмасин деб сулув қизларинг чўри.
Боболарнинг руҳи уйғоқ руҳлардур,
Улар қалбимизнинг нури, шуури.

Уларнинг руҳлари ҳамиша уйғоқ,
Доим ёнимизда ҳозир у нозир.
Халқим, бизни босса гафлатли мудроқ,
Боболар уйғотиб қўйгани қодир...

МУНДАРИЖА

Ватан	3
Ҳамият	4
Ўзин озод этмаса	6
Туркистон	7
Ярадор дунё	8
«Кексаликда келган...»	9
Туман	10
Эътиқодли киши	11
«Йўқ, қўйиш, босмангиз...»	13
Олманинг синган шоҳлари	14
Тилак ҳақида	15
Келинчак	16
«Гоҳо мис...»	17
Бўлмас	18
«Бир танишим...»	19
Бермуд учбурчаги	20
Тўриклик	21
Қодирийлар армони	22
Унут бўлармиди	23
Турон	24
Экологларга	29
Ҳаё дедим	31
Ватан ҳақида ўйлар	32
Муҳаббат	37
У ва сен	39
Ўзгалар юртинга ҳукмрон бўлса	41
Армиядан келган тобутни кўриб ўйлаганларим	44
Саккизликлар	48
Рубойлар	49
Қисмат	50
«Биз севамиз...»	51
Учқўрганлик қизларга	52
Дўстимга	53
Маҳорат	55
Йўқ деманг	56
Қуёш яралимиш	57

Мақтов	53
Муҳандис дўстимга	59
Қишлоқ болалари	61
Қўрадаги исён	63
Она тилим	69
Қим сева оларди сени менчалик	71
Аёл	72
Неча ёшда уйланган маъқул	73
Дилшода опага бағишланган шеър	74
Наполеоничг мағлубияти (Луи Арагондан)	75
Машраб ҳақида икки шеър	77
Иўқлов	78
Уйғоқ руҳлар (достон)	79

Гафур Фулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси

Литературно-художественное издание

АБДУЛЛА ДЖАЛИЛ
ВЕЧНЫЕ МУЧЕНИЯ

Стихи и поэма

Художник *В. Лисс*

Ташкент, издательско-полиграфическое объединение
им. Г. Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадний нашр

АБДУЛЛА ЖАЛИЛ
УЙҒОҚ РУҲЛАР

Шеърлар ва дoston

Мухаррир *Раззоқ Абдурашид*
Расмлар муҳаррири *А. Кива*
Техник муҳаррир *Н. Сейдуалиева*
Мусахҳиҳ *Д. Абдулаева*

ИБ № 5114

Босмадоната 12.08.92 да берилди. Босишга 09.11.12 да рухсат этилди. Бичими 70×90/32. 1-нав босмахона қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. 3.51 шартли босма тобоқ, 3,78 бўёқ нусхаси. 2,6 нашр босма тобоғи. Жами 10000 нуска. 1180 буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 38—92 рақамли шартнома.

Ғафур Фулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси. 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ғафур Фулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-бери кўча, 2-уй.

Жалил, Абдулла.

Уйғоқ руҳлар: Шеърлар. Достон.— Т: Ғ. Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1992.— 96 б.

Абдулла Жалил ўз иқтидори, ўз нуқтаи назарига эга шоир.

Мазкур тўпламга унинг турли йилларда ёзган энг сара шеърлари киритилди. Бу шеърлар ўзига хос оҳанг, жозоба, ҳаётийлиги билан эътиборга лойиқ.

Уйлаймизки, шоир билан танишув китобхонларда ҳам мароқ уйғотади.

Жалил, Абдулла. Вечные мучения: Стихи и поэма.